# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 5 февраль, № 25 (5955) Чоршанба


Кичик бизнес:

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ





**2013 йилда Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг ўсиши**

**10,9** фоизни ташкил этди.



*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маълум қилишларича, жорий йилда ўндан ортиқ шундай субъектлар томонидан Хитой Халқ Республикасига умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорт қилиниши кутилаяпти. Бу юртимиз ишбилармонларини ташқи иқтисодий фаолиятга кенгроқ жалб этиш борасида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самарасидир, албатта.*

ИСЛОҲОТ

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини барқарор ошириш ва таркибида тайёр саноат маҳсулотларини кўпайтириш имконини бераётир. Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоизни ташкил қилгани бунинг яққол далилидир.

Қувонарлиси, бундай ижобий натижага эришишда кичик бизнес субъектлари муҳим аҳамият касб этаяпти. Ҳозирги пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани, улар орасида экспортчи корхоналар йил сайин кўпайиб, экспортдаги улуши 18 фоизга етгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш билан бирга, тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини ҳам кенгайтирди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси эса мазкур қарор ижросини таъминлаш, тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида аниқ чора-тадбирларни кўрмоқда. Жумладан, чет давлатларнинг савдо-саноат палаталари, экспорт-импортга кўмаклашувчи жамғармалари ва тадбиркорлик уюшмалари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган қисқа давр ичида 60 га яқин хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда).

■ ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

*Жойларда ўтказилаётган фаоллар йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган долзарб вазифалар жиддий муҳокама этилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар қилади.*

# Долзарб вазифалар муҳокамаси

**СИРДАРЁ**

Фаоллар йиғилишида 2013 йилда вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришилгани айтиб ўтилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 2012 йилдагига нисбатан 7 фоиз ўсгани таъкидланди.

Ўтган йилда вилоятнинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди. Бунда экспортчи корхоналар сонининг 10 тага етгани муҳим омил бўлди.

Ҳисобот даврида 2013 — 2016 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида 1736 лойиҳа амалга оширилиб, 107,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилгани қайд этилди. Пировардида 19 минг 800 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ташаббускор тадбиркорларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ва вазифалар белгилаб олинди.

**ҚАШҚАДАРЁ**

Вилоят фаоллари йиғилишида таъкидланганидек, 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда сезиларли ўсиш кузатилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 5,6 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари етиштириш 4,1 фоиз, истеъмол моллари 13 фоиз, капитал қўйилмалар 2,5 фоиз, пудрат ишлари 8,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, хизматлар ҳажми 19 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 16,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 15,6 фоиз ўсди.

Ҳисобот даврида ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш доимий эътиборда бўлганлиги эътироф этилди. Хусусан, ушбу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 372,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бугунги кунда рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 78,7 фоизи самарали фаолият юритмоқда.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқларида эришилган ютуқлар билан бирга, мавжуд муаммолар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар кенг муҳокама қилинди, Президентимиз томонидан 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини бажариш бўйича белгилаб берилган дастурий вазифалар ҳамда улардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар белгилаб олинди. Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш ҳажмини кўпайтириш, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз бажаришга қаратилган чора-тадбирлар аниқлаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

■ 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия, спортнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгалигига эътибор қаратиб, бунда маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ҳам таъсири катта эканлигини алоҳида таъкидлади.*

# Ёшлар учун ахборот кўмаги

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш, эрта никоҳлар, оилавий ажримларнинг олдини олиш, урф-одат, маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш борасида амалга ошираётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Чунончи, 2013 йилда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида мазкур жамоат ташкилоти томонидан пойтахтимиздаги 11 маҳаллада "Ораста ёшлар" ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган эди.

Қайд этиш жоизки, ўтган даврда ушбу гуруҳлар томонидан "Тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида ўқиш ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган йигит-қизлар учун семинар-тренинглар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилаётгани ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб қилишда, энг муҳими, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишда муҳим омил бўлди. Мазкур тадбирларга 26 минг нафар йигит-қиз қамраб олиниб, уларга миллий қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, айниқса, она-Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш айни зарурат эканлиги уқтирилди.

(Давоми 2-бетда).

# «ANTA news» журнали Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари ҳақида

*Японияда чоп этиладиган "ANTA news" журнали саёҳат ишқибозларининг севимли нашрларидан бири ҳисобланади. Яқинда Бутуняпония сайёҳлик агентлари уюшмаси (ANTA) муассислигида чоп этиладиган мазкур журнал саҳифаларида "Буюк Ипак йўли давридан буён Япония ва Ўзбекистонни боғлаб келган мустаҳкам алоқалар" сарлавҳаси остида мақолалар босилиб чиқди.*

■ ЭЪТИРОФ

Уларда Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Мақолалардан бири Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дипломатик ҳамда маданий-гуманитар муносабатларнинг тарихига бағишланган. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларнинг илдизлари Буюк Ипак йўли равнақ топган даврга бориб тақалиши алоҳида таъкидланади. Мақолада Япониянинг Нара шаҳри мазкур йўлнинг шарқий дарвозаси, ўзбеклар заминининг Самарқанд шаҳри эса унинг марказий дарвозаси бўлгани қайд этилади. Шунингдек, бугун икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тарихий ва маънавий яқинликка асосланган стратегик шериклик салмоқли салоҳиятга эга эканлиги ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Қуёшли ўлкамизга бағишланган яна бир мақолада эса Ўзбекистон делегациясининг Бутуняпония сайёҳлик агентлари уюшмасига амалий ташрифининг тафсилотлари қаламга олинган. Унда япон заминида бўлиб ўтган учрашув чоғида ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилингани баробарида, Ўзбекистон томонининг сайёҳлик соҳасига доир сармоявий таклифлари ҳам кўриб чиқилгани билдирилган.

"Беқиёс гўзал табиати, ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган кўпгина бебаҳо ва бетакрор тарихий обидалар Ўзбекистоннинг сайёҳлик жабҳасидаги истиқболли шерик сифатидаги ўрнини ҳамда аҳамиятини белгилаб беради", дея ёзилади "ANTA news"да.

Шунингдек, журнал ўз ўқувчиларини Ўзбекистонга боришга ҳозирланган япониялик сайёҳлар учун зарур бўлган барча муҳим маълумотлар билан ҳам таништиради. Юртимиз бўйлаб саёҳатни амалга оширишнинг мавсумлари, виза олиш, валюта алмаштириш, меҳмонхоналар тармоғи тўғрисидаги ахборот шулар жумласидандир.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Илғор минитехнологиялар асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган кичик корхоналарнинг бозор талабларидан келиб чиқиб ўз фаолиятларини кенгайтиришлари нисбатан осон кечади.*

# Фаолияти кенгайди

Пешку туманидаги "Зухал тўқув" хусусий корхонаси ҳам шу йўлдан бориб, қиймати 85 минг АҚШ долларига тенг бўлган хом бўз ишлаб чиқаришга асосланган бизнес лойиҳасини амалга оширди. Бунинг учун молия муассасасининг 62,5 минг АҚШ долларилик кредити ҳамда шахсий сармоядан ўринли фойдаланилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Барқарор ўсиш суръатлари

*Чирчиқ шаҳридаги "Super roll" хорижий корхонасида ўтган йили 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.*

Бу рақам ишлаб чиқариш субъекти фаолият бошлаган дастлабки йилдагига нисбатан 6 баробар кўпдир.

Жамоа ички ва ташқи бозор эҳтиёжларига мувофиқ янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашга мунтазам интилаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Хусусан, қисқа муддатда бу ерда саноат, қурилиш ва халқ хўжалигининг бошқа кўплаб тармоқлари учун турли роликлар, резина ғилдирак ҳамда ғалтаклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Асосий хом ашё сифатида полиуретан ва каучукдан фойдаланилаяпти. Жорий йилдан бошлаб эса корхонада худди шундай хом ашё асосида бежирим ва сифатли йўлак қопламалари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, ҳозир "Super roll" маҳсулотларининг бир қисми махсус буюртмалар асосида экспорт қилинмоқда.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Сирдарё вилоятидаги қурилиш дўконларида "Golden" деб номланган бир неча турдаги лок-бўёқ маҳсулотлари сотувга чиқарилди.*

# Маҳаллий технология асосида

Яъни "Guliston Gold Trans servis" масъулияти чекланган жамияти жамоаси саъй-ҳаракати билан ҳудудда яна бир қурилиш ашёлари тайёрлайдиган корхона фаолият бошлади. Жамият жамоаси қисқа вақт ичида бир неча рангдаги бўёқ, сувли эмульсия ва қурилиш елимлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Эътиборлиси, зарур ускуна ва дастгоҳлар андижонлик ҳамкорлар томонидан тайёрлаб берилди. Натижада кам харажат эвазига сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

— Технологиямиз хорижникидан қолишмайди, — дейди МЧЖ раҳбари Икром Аҳмеджонов. — Улар йилига 500 тонна лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Ҳадемай, иккинчи линия фойдаланишга топширилгач, пардозлаш ашёлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

**Ш. АҲМАДАЛИЕВ.**

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир давлат, ҳудудий дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, демократик қадриятлар, аҳоли ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик институтларининг фаол иштирокини янада рағбатлантириш, "учинчи сектор" вакилларини 2014 йилда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағларни тақсимлаш бўйича қатор масалалар муҳокама этилди.*

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЯНАДА КЕНГ МИҚЁСДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида кўрилаётган чора-тадбирлар фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг давлат тузилмалари билан амалий ижтимоий шериклигини кучайтириш, жамият ва давлат ўртасида самарали алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланмоқда.

Жумладан, парламент ҳузуридаги Жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурлар амалга оширилишини фаол қўллаб-қувватламоқда ва кенг рағбатлантирмоқда.

2013 йилда Парламент комиссияси томонидан ана шу эзгу мақсадлар йўлида субсидия, ижтимоий буюртма ва грантларни амалга ошириш учун умумий қиймати 7 млрд. сўм ажратилиб, 278 та лойиҳа қўллаб-қувватлангани фикримиз тасдиғидир. Бунинг учун таълим, баркамол авлодни шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, ОАВни демократлаштириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш соҳасида фаолият юритаётган 2000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жалб қилинди.

— 2014 йилда устувор йўналишларни амалга оширишга Парламент комиссияси томонидан 2013 йилдагига нисбатан 17 фоиздан кўпроқ ҳажмда маблағ ажратиш кўзда тутилаяпти, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди директори А. Тўраев. — Унинг қарийб 49 фоизини грант-танловлар ташкил этишга йўналтирилиши режалаштирган. Бу эса "учинчи сектор" ҳамда давлат органларининг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш дастурларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлигини янада равнақ топтириш, бу борадаги лойиҳаларни молиялаштиришга хизмат қилади.

Тадбирда жорий йилда қуйидаги ижтимоий аҳамиятга эга йўналишлар бўйича давлат грантларини олиш учун 5 дан зиёд танловларни ташкил этиш таклиф этилаётгани қайд этилди. Бунинг натижасида Соғлом бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурининг энг муҳим вазифаларини амалга оширишда ННТ ва давлат тузилмаларининг ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган "Буюк келажакли соғлом авлод" мавзусида давлат грант танлови ўтказилиб, лойиҳалар молиялаштирилади. Соғлом бола ва ўсмирларни вояга етказишда таълим ҳамда спортнинг ролини кучайтириш, ёшлар ва болаларнинг илмий-техникавий, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш учун маҳаллаларда, айниқса, республикамизнинг чекка ҳудудларида қулай шароитларни яратишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлари лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашилади. Жойлардаги давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, аҳоли фаровонлиги ва бандлигини ошириш, тадбиркорлик ва ижтимоий инфратузилманинг турли кўринишларини ривожлантириш, маънан ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш, бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатишга қаратилган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳалари қўллаб-қувватланади. "Учинчи сектор" ва давлат ҳокимияти органларининг шаҳар, маҳалла ва кўчаларни ободонлаштиришни яхшилаш масалаларини ҳал этиш, аҳоли ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги фаоллигини ошириш, аҳоли саломатлигини ва жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашдаги ижтимоий ҳамкорлиги рағбатлантирилади. Давлат органлари ва бошқаруви фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, мустақил ОАВ ва фуқаролик институтларининг қонунчилик талаблари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш, аҳоли ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашилади.

Ушбу танловларда 1000 дан зиёд ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштироки кўзда тутилмоқда.

Мажлисда катта ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни рўёбга чиқариш нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий буюртмани жойлаштиришга 2014 йилга мўлжалланаётган умумий маблағлар ҳажмидан 17 фоиздан зиёдини сарфлаш таклиф этилмоқда. Бу 2013 йилдагига нисбатан 6 фоиз кўпдир.

Пировардида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ва ўсмирлар саломатлиги кўрсаткичларини яхшилаш, аҳоли, айниқса, ота-оналар тиббий маданиятини ошириш, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўтказиш бўйича ННТларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий ҳамкорлиги қўллаб-қувватланади. Мустақил фикр ва ривожланган интеллектга эга жисмонан ва маънан соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялаш масалалари бўйича кенг қамровли ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш, мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг ижодий фаоллиги ва кадрлар профессионал салоҳиятини оширишга кўмаклашилади. Чунончи, журналистика соҳасида халқаро ва республика танловлари, кўргазма ва форумлар ўтказилади. Бундан ташқари, ижтимоий буюртмалар доирасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда "Парламент соати" ва "Фуқаролик жамияти институтлари янгиликлари" телекўрсатувларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шу билан бир қаторда, молиялаштиришнинг мустақил объектларининг устав фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 2014 йилга мўлжалланаётган умумий маблағлар ҳажмининг 34 фоизидан ортиғини йўналтириш мўлжалланаяпти. Бу 2013 йилдагига нисбатан қарийб 17 фоиз кўпдир. Умуман олганда, буларнинг барчаси лойиҳалар амалга оширилишида 2500 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини таъминлаш имконини беради.

Йиғилишда бундай комплекс-тизимли ёндашув юртимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишга қаратилгани билан долзарб эканлигига урғу берилди.

**С. МАХСУМОВ.**

## Кичик бизнес:

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Хитойнинг Шанси музофоти Савдо-саноат палатаси қошидаги "Northwest Central Asia Business Co. LTD" ташкилоти ўртасида ҳамкорлик битими имзолангани "Made in Uzbekistan" брендини тарғиб қилишда айни муддао бўлмоқда, — дейди жамғарманинг ижрочи директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев. — Гап шундаки, бу келишувга кўра, 2014 йилнинг май ойида Шанси музофотида бўлиб ўтадиган "Буюк Ипак йўли" халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида мамлакатимиз саноат корхоналари, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари иштирокини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу нуфузли тадбирда қатнашишни истаган тадбиркорлар эса жамғармамиз ва унинг хориждаги ҳамкори ҳисобидан имтиёзга эга бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Таҳлилларга қараганда, глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли жаҳон бозорида айрим саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайиши оқибатида аксарият давлатларнинг экспорт кўрсаткичи тушиб кетди. Пировардида бир йўналишда фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари жиддий азият кўрдики, унинг таъсиридан ҳамон қутула олгани йўқ. Ана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон экспорти таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани диққатга сазовордир. Масалан, ўтган йили умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғини шундай товарлар ташкил этди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимиз изчил диверсификация қилинаётгани шарофатидир.

Экспертларнинг эътироф этишларича, мамлакатимиз иқтисодиётининг муттасил ривожланиб, экспорт кўлами ва географияси кенгайишида қулай тадбиркорлик муҳити яратилгани муҳим омил бўлаяпти. Негаки, кичик бизнес шаклан ихчам эмасми, бозор талабидан келиб чиқиб, ўз йўналишини тезда ўзгартиришга қодир. Бу унинг рақобат майдонида барқарор тура олишини таъминлайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 450 дан зиёд янги корхона экспорт фаолиятини бошлагани бунинг тасдиғидир.



Шу кунларда эса жамғарма томонидан республикамизнинг ҳар бир туманида тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилиб, кичик корхоналарнинг экспорт имкониятлари ўрганилмоқда. Мақсад — халқаро кўргазмаларда иштирок этадиган субъектларни аниқлаб, уларнинг маҳсулотини тарғиб қилиш ва чет эллик харидорлар билан шартномалар имзолашига яқиндан ёрдам бериш. Наманган туманида фаолият кўрсатаётган "Истиқлол текстиль дизайн" масъулияти чекланган жамияти айнан жамғарма кўмагида ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқига эга бўлиш арафасида турганини айтиш кифоя.

— Хитойдан импорт қилиш эмас, балки бу мамлакатга маҳсулотларимизни экспортга чиқаришнинг вақти келди, — дейди ушбу жамият раҳбари Мурод Қурбонов. — Чунки юртимизда хусусий тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар биз, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорга дадил кириб боришга даъват этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил қилинган экспортга кўмаклашувчи жамғарманинг ёрдами билан Хитой давлатида ўтказиладиган кўргазмага қатнашишга тайёргарлик кўриш баробарида, чет эллик ҳамкорлар билан музокаралар олиб бораяпмиз. Дастлабки натижалар у ерда камида 200 минг АҚШ долларилик экспорт шартномалари имзолашимизни кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Истиқлол текстиль дизайн" корхонаси энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бугунги кунда кўплаб турдаги эркаклар кўйлаги ва костюм-шимлари, шунингдек, ички кийимлар ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган 100 га яқин ишчи-мутахассисларнинг деярли барчаси касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир. Уларнинг изланишлари туфайли харидорлар дидига мос бўлган либосларнинг янги моделлари яратилаётгани, маҳсулотлар эса табиий матодан юқори сифатли қилиб тикилаётгани буюртмачилар сафининг кенгайишига кўмаклашаяпти. Ҳадемай, улар қаторига хитойлик компаниялар ҳам қўшилади. Бу пухта ўйланган тизимли ислоҳотларнинг амалий самараси эмасми?!

Юртимизда экспорт фаолиятини йўлга қўяётган бундай хўжалик юритувчи субъектлар сирасига Андижон шаҳридаги "Фабрика намуна", Қўрғонтепа туманидаги "Ягона ҳамкор нури", Шаҳрисабз туманидаги "Shakhrisabz Fraki", Зарбдор туманидаги "Катерс агросервис", Кармана туманидаги "Севар Муниса" каби корхоналарни киритиш мумкин. Улар Хитой мезбонлик қиладиган "Буюк Ипак йўли" халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этиб, жадал суръатларда ривожланиб бораётган Ўзбекистон саноати ютуқларини намойиш этадилар. Кўргазмада тузиладиган шартномалар эса мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига ишончимиз комил.





**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ВА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ

*Юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлигини кенг ва равон йўлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожида дунёнинг турли нуқталарини бир-бири билан туташтирувчи йирик автомагистралларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу маънода, йўлларга "Элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи восита", деб бежиз таъриф берилмайди.*

ЙЎЛСОЗЛИК

Тарихга назар ташласак, ўтмишда биргина Буюк Ипак йўли орқали кўҳна Шарқнинг Ғарб билан, Шимолнинг эса Жанубдаги минтақалар билан савдо карвонлари орқали боғланганига гувоҳ бўламиз. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон ана шу қадимий йўлнинг айни чорраҳасида жойлашган бўлиб, неча минг йиллар давомида муҳим халқаро савдо йўлининг маркази сифатида довруқ қозонган.

Бугунги кунда эса халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини истиқлол йилларида мамлакатимизда янги йўл ва кўприклар қуриш, унинг инфратузилмасини халқаро андозалар даражасида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан, ўтган йили Ўзбек Миллий автомагистралининг 530 километрлик қисмида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди, қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўллар ва 200 километрдан ортиқ шаҳар ҳамда посёлка кўчалари эса таъмирланди.

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳоли сонига нисбатан ҳар 1000 кишига тўғри келадиган йўлларнинг узунлиги бўйича МДҲ давлатлари орасида энг етакчилардан бири ҳисобланади. Умумий фойдаланувда бўлган йўлларнинг узунлиги эса мамлакат ҳудудига нисбатан ҳар минг квадрат километрга 95 километрни ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, республикамизда йўлсозлик борасидаги ишларни жадаллаштиришда Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Негаки, мазкур ҳужжатда 2015 йилгача қанча километр янги йўл қурилишидан тортиб, қайси ҳудуддаги қай бир йўл қайта таъмирланишигача, ўша йўлларнинг неча тасмали бўлишидан тортиб, уларга сарфланадиган маблағнинг миқдоригача, Ўзбек Миллий автомагистрали таркибига кирувчи йўлларнинг қоплама ва геометрик ўлчамларини яхшилаш, жумладан, битта ўқига тушадиган оғирлик меъёри 10 тоннагача бўлган автомобилларни ўтказишга мўлжалланган йўлларнинг кўтариш қобилиятини битта ўқига тушадиган оғирлик меъёри 13 тоннагача бўлган автомобилларга мослаштиришгача бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилган. Шунга асосан, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қарийб 500 км. автомобиль йўллари шу тоифага ўтказилди. Бу — автомобиль йўлларининг чидамлилиги 30 фоиз яхшиланаяпти, деганидир.

Йўл қурилиши, ўз навбатида, унинг ён-атрофи ҳам обод бўлишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, қарорда йўл ва кўприклар қурилишидан ташқари, Ўзбек Миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис хизматларини ривожлантириш тадбирлари ҳам кўзда тутилгани мақсадга мувофиқдир. Жумладан, 19 жойда кемпинг, 18 жойда мотель, 36 жойда АЁҚШ, 49 жойда автомобилларни газ билан тўлдирувчи компрессорли станциялар, 78 жойда тез тиббий ёрдам пункти, 31 жойда санитария-гигиеник талабларга тўлиқ жавоб берадиган автомобиль тўхташ майдончаси, 9 жойда эса барча шарт-шароит мавжуд сайёҳлик объекти бунёд этилади. Шунинг ўзиёқ мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ҳудудлар ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш баробарида, юзлаб ёшларни муқим иш билан таъминлаш имконини беради.

— Кўп йиллардан буён шу соҳада ишлаб келаётган мутахассис сифатида илгариги йўллар билан ҳозиргисини таққослайман, — дейди "Қорақалпоқавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонаси директори Арслон Губенов. — Турган гапки, фарқ жуда катта. Қаранг, авваллари автомобиль тугул, ҳатто яёв бориш мушкул бўлган жойларда янги йўллар барпо этилаяпти. Шу билан бирга, ҳудудларга замонавий инфратузилманинг кириб бораётгани аҳоли турмуши фаровонлашувида айни муддао бўлмоқда. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистон бошқа соҳалар қаторида йўлсозликда ҳам жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан бўйлашаётганидан далолатдир, албатта.

Қисқаси, юртимизда замонавий йўл ва кўприклар қурилиши, аввало, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг вақтини тежаш, экологик муҳитни яхшилаш, шунингдек, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу эса Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб, масаланинг стратегик жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган оқилона сиёсатнинг амалий самарасидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

ИНТИЛИШ

*Наманган шаҳридаги "Чошгоҳ" масъулияти чекланган жамияти янги йилни ишлаб чиқариш қувватларини оширган ҳолда бошлади.*

## Маҳсулот тури кўпайди

Бу имконият корхонада олиб борилган модернизациялаш тадбирлари шарофати билан юзага келди. 1 миллион 300 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилиб, калава ипларни бўяш ҳамда қайтадан ўраш машиналари ишга туширилди. Пировардида ҳозиргача фақатгина оқ рангда тўқилаётган момиқ сочиқлар тури бир қатор ёрқин рангдаги маҳсулотлар ҳисобига кўпайди. Ўз навбатида, қувватлар ҳам ортди. Эндиликда корхонада йилига 4 миллион донага етказиб экспортбоп маҳсулот тайёрланади.

Айтиш лозимки, "Чошгоҳ"нинг 48 кишилик жамоаси якунланган йил давомида 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг 60 фоиздан ортиғини экспортга йўналтирди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёшлар учун ахборот кўмаги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда "Ораста ёшлар" ахборот-маслаҳат гуруҳлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилаётир. Табиийки, бундан буён ҳам мазкур гуруҳларнинг маҳаллалардаги фаолиятини "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган мазмунда олиб бориш, маҳалла ёшлари, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этиш, билим масканлари озодалигини сақлаш, атроф-муҳит тозалигига эътиборни кучайтириш, мактаб ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, ёшлар ўртасида ижтимоий-маданий тадбирларни мунтазам ўтказишга оид вазифаларга устувор аҳамият берилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган маърифий тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. Унда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар, ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 4 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1933,25 | 1 Хитой юани | 364,63 | 1 Туркия лираси | 978,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3629,84 | 1 Россия рубли | 62,81 | 1 Швейцария франки | 2435,71 |
| 1 Дания кронаси | 399,59 | 1 Украина гривнаси | 276,45 | 1 евро | 3009,93 |
| 1 БАА дирҳами | 601,62 | 1 Малайзия ринггити | 660,59 | 10 Жанубий Корея вони | 20,40 |
| 1 АҚШ доллари | 2209,68 | 1 Польша злотийси | 702,04 | 10 Япония иенаси | 215,87 |
| 1 Миср фунти | 317,41 | 1 СДР | 3390,09 | | |
| 1 Исландия кронаси | 19,06 | | | | |
| 1 Канада доллари | 1988,37 | | | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Сўнгги кунларда Италияда кузатилган сурункали ёғингарчилик туфайли келиб чиққан сув тошқинлари, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат иқтисодиётига 15 миллион евро миқдорида зарар етказган.*

## Тошқин келтирган талафот



Табиий офатдан, айниқса, Рим шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар жиддий талафот кўрди. Мазкур ҳудудларда транспорт ҳаракати издан чиқди. Поездлар қатнови, аэропортлар фаолиятида узилишлар учраб турибди. Таълим муассасалари эса вақтинча ёпилган.

Метеорологлар кучли ёғингарчилик келтириб чиқарган ҳаво оқими Апеннин ярим оролининг жанубий қисми томон ҳаракатланаётганини маълум қилишди.

## Яна рентабелликка қайтди

*Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мураккаб вазиятга тушиб қолган Испаниянинг “Bankia” банки фаолияти жонлана бошлади.*



Жумладан, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида унинг даромади 7 фоиз ўсди. Умуман, 2013 йилда молия муассасаси 2,4 миллиард евро миқдорида маблағ ишлаб олган. Гарчи бу 2012 йилдаги кўрсаткичдан 20 фоиз кам бўлсада, “Bankia” маъмурияти яна рентабеллик кузатилганидан мамнун. Чунки Испания ҳукумати агар банк ижобий натижаларга эришса, унинг активларига харидор топилишини билдирган эди.

## Бандлик масаласида ижобий ҳолат

*Жорий йилнинг январь ойида Германияда ишсизлар сони 28 минг кишига камайди.*



Шу тариқа мамлакатда кетма-кет иккинчи ой ижобий ҳолат кузатилди. Гап шундаки, ўтган йилнинг декабрида ҳам бу ерда бир неча минг кишининг бандлиги таъминланганди. Натижада ишсизлик даражаси 6,9 фоиздан 6,8 фоизга пасайиб, охирги 20 йил ичидаги энг яхши кўрсаткич қайд этилганди.

Ҳозир Европа Иттифоқида ўртача ишсизлик даражаси 12 фоизга тенг.

## Саноатда жонланиш

*2014 йилнинг январь ойида Греция саноати бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришди.*



“Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, бундай ҳолат сўнгги беш йил ичида биринчи бор кузатилмоқда. Греция иқтисодиётининг 10 фоизи саноат улушига тўғри келади.

Экспертлар фикрича, евроҳудуд иқтисодиётида секин-аста намоён бўлаётган жонланиш мана шундай ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топаяпти.

## Ҳайдовчининг хатоси

*Ҳиндистонда автобус юк машинасига тўқнашиб, қияликка ағанаб кетган.*

Халқаро ахборот хизматларининг хабар беришича, бунинг оқибатида ўн киши ҳаётдан кўз юмган, ўттиз беш киши жароҳатланган. Жабрланганларнинг аксарияти оғир аҳволда.

Фожиа юк машинаси ҳайдовчисининг хатоси сабабли юз берганлиги айтилмоқда. Яъни унинг бошқарувидаги транспорт воситаси автобус орқасига келиб урилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Эълон

*ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!*

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2014 йил 11, 13, 18, 20 март кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.**

**Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | фаолиятининг асосий йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | ПВХ ва полиэтилендан фитинглар тайёрлаш, пластмассадан буюмлар ишлаб чиқариш, полимерлардан қадоқлаш буюмларини ишлаб чиқариш, иккиламчи хом ашёларни йиғиш ва қайта ишлаш | 3 168 645 000,0 | 1 553 561,97 |
| 2. | «GAZALKENT STONE» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Саноат ва халқ истеъмоли қурилиш хом ашёларини ва қурилиш-пардоз буюмларини (мармар ва гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш | 5 820 000 000,0 | 2 853 500,69 |
| 3. | «ASIA SOKATO» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув ва газланган ичимликлар ишлаб чиқариш | 1 472 800 000,0 | 722 102,37 |
| 4. | «VODIY MUZQAYMOG`I» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ(эскимо)нинг турли хилларини ишлаб чиқариш | 1 076 709 000,0 | 527 902,04 |

**Оммавий оферта шартлари**

Оммавий оферта ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритиладиган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўланиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгор муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртмономаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган улушлар бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**
**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (8-371) 234-43-31.
**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

211R/40

***Гувоҳнома № 005357.***

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2014 йил 11, 13, 18, 20 март кунлари ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| № | Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | фаолиятининг асосий йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш | 59 154 993 600,0 | 29 003 232,79 |
| 2. | «ASAKA MAK» МЧЖ | Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т. Алиева кўчаси, 5-уй | Макарон ва макарон маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш | 4 461 829 000,0 | 2 301 572,78 |

**Очиқ танлов шартлари.**

Очиқ танлов ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар) очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритиладиган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўланиши шарти билан сотилади.

**Очиқ танлов савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртмономаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ улуши бошланғич нархининг 2 фоизи миқдоридаги ҳамда «Asaka mak» МЧЖ улуши бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пуллари «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига мурожаат қилишлари мумкин.

Очиқ танлов савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**
**Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.**
**Тел./факс: (8-371) 234-43-31.**
**Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.**
**Телефон: (8-371) 233-02-49.**
**Тел./факс: (8-371) 233-23-40.**
**Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

210A/40

**Гувоҳнома № 005357.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 29 мартдаги 1-1105/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лолазор 1-тор кўчаси, 52-уйда жойлашган, умумий ер майдони 350,0 кв.м., фойдаланиш майдони 229,40 кв.м. бўлган, 5 та яшаш хонаси, 2 та холл, даҳлиз, ошхона, 2 та ҳаммом, зинапоя, 2 та соябондан иборат уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 179 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 24 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 21 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

213A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ**

**Ангрен ва Поп шаҳарларида темир йўл вокзали қурилиши бўйича лойиҳа (архитектура ва дизайн) ишларига танлов эълон қилади.**

**Манзил: Тошкент ш., Туркистон к., 7-уй.**
**Телефон: (8-371) 238-89-96.**

111R/24

**МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси**

**фойдаланишда бўлган, техник жиҳатдан соз пахта толасидан ип йигирувчи тўқимачилик жиҳозини сотади.**

**Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй,**
**МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси.**
**Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.**

132A/39

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Соғлом бола йилига бағишлаб, миллий валютада янги муддатли омонат амалга киритилганлигини маълум қилади.**

**«КЕЛАЖАК АВЛОД»**

- Сақлаш муддати — боланинг 7 ёшга етгунига қадар.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.
- Омонатга маблағлар қабул қилиш омонат бекор қилингунга қадар амалга оширилади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

Хизматлар лицензияланган.

**www.nbu.com**

209A/382

**«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 28 январдаги 15-01-306/2-сонли хатига ва жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «1-Кўчма механизациялаштирилган карвон» хусусий корхонасига тегишли темир-бетон ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 533 057 120 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Кўмирчи» МФЙ ҳудудида жойлашган, «1-Кўчма механизациялаштирилган карвон» хусусий корхонасига тегишли 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 43 869 358 сўм.***

*Очиқ аукцион савдоси 2014 йил 19 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 18 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида мулк номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:**
**«Effect real group» МЧЖ, Фарғона шаҳри, Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 24-хона.**
**Телефон: (+ 99895) 404-54-84.**

214A/109

***Лицензия:RR 0094.***

## 9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Мумтоз қўшиқ янграмоқда. Ундаги сўз ва соз уйғунлиги дилни сеҳрлайди:

***Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ***
***Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил...***

# ИБРАТГА МУНОСИБ, ЭЪЗОЗГА МУШАРРАФ



Бу бетакрор хонишни тинглаганда, хаёл узоқ-узоқларга парвоз этади. Ва беихтиёр ҳушёр тортиб, шу дам, шу олаётган нафас учун шукроналар айтасиз. Зеро, донишмандлар баҳорнинг кузи, ёзнинг қиши бор, деган нақлни бежиз айтишмаган. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам:

***Бу гулистон аро булбулға раҳм қил, эй гул,***
***Ки "ҳай" дегунча хазон юзланиб, баҳор борур,***

дея латиф бир тарзда таъкидлаганлар.

"Хазойин ул-маоний"дан жой олган шеърларда ҳам шоирнинг умр поёни ҳақидаги фикрлари акс этган сатрлар оз эмас. Лекин нисбатан бу мавзудаги назм жавоҳирлари табиий тарзда ўз номига монанд "Фавойид ул-кибар" ("Кексалик фойдалари")да кўпроқ учрайди.

Шоир фикрича, киши умрининг ҳар бир фаслини, яъни болалиги — баҳорини, йигитлиги — ёзини ҳам, ўрта яшарлигию кексалиги — кузи ва қишини ҳам хайрли ишларга, эзгу амалларга сарфламоғи даркор.

Илм олиб, касб-кор эгалламаган, элга бирор бир нафи тегмаган, ўзидан яхши из қолдирмаган кимсанинг иши афсус ҳамда пушаймонликдир. "Маҳбуб ул-қулуб"да таъкидланганидек, бундай киши кексайса "ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан деворини йиқади. Номуродликлар зиндони — будир; ноумидликлар харобаси — будир".

Ҳаётини беҳуда ўтказиб охирида хорликка мубтало бўлган ва оқибатда яшашдан безган кимсага "Кўп яшанг, умрингиз узоқ бўлсин!" дея қилинган тилак ҳам ғалати, худди қарғишдек туюлса, ажаб эмас.

***Йигитлигида киши қилмади итоати амр,***
***Не суд чун қариди, нечаким пушаймондур...***
***...Не турфа ишки, биров чун ториқти умридин,***
***Деса "узун яша" қарғишдур анга бу алқиш.***

Шоир қарашича, ёши улуғларнинг улкан масъулияти ҳам бор. Уларнинг сўзида, хатти-ҳаракатларида умр сабоқлари, ҳаёт тажрибалари акс этмоғи, ҳар қадамлари ибрат бўлмоғи лозим.

"Қарилик ёшлик майига хуморликдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла қўмсашликдир" ("Маҳбуб ул-қулуб") дея уқтирган мутафаккир кексаларни ёшига муносиб ҳаракатларга даъват этар экан, "Эй Навоий, ҳузн ила ўткар қарилиғ меҳнатин," дея қатъий аҳдини билдиради. Зеро, ёшларни яхшиликка чорлаб, шукроналик ила дуога қўл очган нуроний отахону онахонлар ҳамиша ҳар жойда ибратга муносиб, эъзоз ва ҳурматга мушаррафдир.

**Отабек ИСМОИЛОВ,**
**Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

# Миллий рақс нафосати

*Шано Файзуллаева — Пастдарғом туманидаги Галатут маҳалласидан. Санъатнинг ҳақиқий шайдоси. Болалигиданоқ ўзбек миллий рақси сирларини пухта ўзлаштириб бормоқда. Айниқса, Самарқанд санъат коллежидаги машғулотлар жараёнида унинг истеъдоди сайқал топди, устозлари назарига тушди. Натижада дастлаб коллеж, кейинчалик шаҳар, вилоят миқёсидаги турли танловларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой ола бошлади.*

ТАЪЛИМ




Шано учун, айниқса, 2013 йил муваффақиятларга бой бўлди. У ўтган йили ўтказилган "Юрт келажаги" танловининг Самарқанд вилояти босқичида ғолибликни қўлга киритди. Ижодий беллашувнинг республика босқичида ҳам истеъдодли қизнинг маҳорати томошабинлар олқишига сазовор бўлди. У устози Чарос Ибрагимова саҳналаштирган ҳинд миллий рақсини ижро этиб, биринчи ўрин соҳибасига айланди.

Эътиборлиси, мазкур таълим даргоҳида Шано сингари истеъдодли ёшлар талайгина. Ҳозир бу ерда 1054 нафар ўқувчи фортепьяно, торли, пуфлама, зарбли ва халқ чолғулари, хор дирижёрлиги, академик ашула, мусиқа назарияси, хореография санъати, амалий графика рассоми, актёрлик санъати, оммавий байрамлар ва театрлаштирилган томошалар режиссёри, анъанавий хонандалик каби йўналишлар бўйича таҳсил олмоқда.

— Коллежимизда ўғил-қизларнинг иқтидори ва истеъдодини камол топтириш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди унинг директори Ҳуббим Ҳамдамов. — 104 ўринли ётоқхона, спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари улар ихтиёрида. Фан кабинетлари энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган. 800 ўринли муҳташам концерт залида вилоятнинг оммавий тадбирлари, байрам тантаналари ўтказилиши анъанага айланган.

Дарвоқе, ушбу таълим даргоҳини битирганлар орасида бугун кўплаб етук санъат дарғалари бор. Жумладан, бир нафар Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи, уч нафар Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, беш нафар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, уч нафар "Ниҳол" мукофоти совриндори Самарқанд санъат коллежини ўз истеъдодига қанот бахш этган қадрдон маскан, дея ҳисоблайди. Қолаверса, 2012/2013 ўқув йилида коллежнинг кўплаб ўқувчилари "Ёш ижрочилар", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" каби танловларда юқори ўринларни қўлга киритиб, устозларининг ишончини оқлашди. Жорий йилда эса бундай муваффақиятлар кўлами янада кўпайса, ажаб эмас. Ўқувчиларнинг юз-кўзларидаги ишонч, иштиёқ, ғайрат ва шижоат ифодасини кўриб, бунга биз ҳам амин бўлдик.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚУЛАЙЛИК

# Саломатликнинг ишончли муҳофазаси

*Жондор туманида айни пайтда 152 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 42 минг нафарини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Яқинда ёш авлод вакилларининг саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида яна бир хайрли иш амалга оширилди. Яъни туман тиббиёт бирлашмасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Давлатимиз томонидан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, барпо этилган ушбу тиббий мажмуада касалликларни аниқлаш, даволаш билан боғлиқ барча жараённи замонавий талаблар асосида ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Беморлар ва шифокорлар учун кўплаб қулайликлар яратилган.

Айтиш жоизки, вилоятда 2013 йилда олтита ана шундай муассаса биноси қайта қурилиб, бу мақсадлар учун давлатимиз томонидан 14,7 миллиард сўм сарфланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Реклама ва эълонлар •

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ — 20 ЁШДА

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» компанияси

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ» акцияси бошланганлигини эълон қилади.

«Мингинчи мижоз» акцияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 20 йиллик юбилейи муносабати билан уюштирилмоқда. Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида 2014 йил 1 февралдан 1 апрелгача бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ташкил этилади.

Акцияда қуйидаги мукофотлар соврин сифатида ўйналади:

Биринчи мингинчи мижозга — LCD 42 дюймли плазма телевизори;

Биринчи беш юзинчи мижозга — Galaxy Note планшети;

Биринчи юзинчи мижозга — Galaxy S3 мобиль телефони.

Акция ғолибларига мукофотларни топшириш маросими 2014 йил апрель ойида, компаниянинг 20 йиллик юбилейи арафасида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 235-94-27, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

189А/97

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАН 31 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 22 январдаги 2014-01-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2079-1 (2014 йил 3 февралдан кучга кирди).**

2. «Эмитентлар томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 22 январдаги 2014-02-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2081-1 (2014 йил 3 февралдан кучга кирди).**

3. «Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ–145ТХК)ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 23 январдаги 38-Н-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1918-1 (2014 йил 3 февралдан кучга кирди).**

4. «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1856-1 (2014 йил 3 февралдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ–145ТХК)» *(рўйхат рақами 1918, 2009 йил 7 март). Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 28 январдаги 27-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# Халқаро турнирдаги муваффақият

*Бокс бўйича Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик боксчилар битта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.*

Мусобақада ўнга яқин мамлакатдан 180 нафардан зиёд чарм қўлқоп устаси ўн вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Муросасиз курашларга бой кечган беллашувлар якунида ҳамюртларимиздан истеъдодли ёш боксчимиз Ботирали Мамажонов (81 кг.) олтин медални қўлга киритди.

Вакилларимиздан Анвар Туропов (64 кг.) ва Баҳодир Жалолов (91 кг.) мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди.



*Шахмат бўйича "Moscow Open — 2014" халқаро фестивалида Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли дона сурмоқдалар.*

# Қизғин баҳслар давом этмоқда

Хусусан, мусобақанинг талаба-гроссмейстерлар ўртасидаги беллашувларида иштирок этаётган Нафиса Мўминова дастлаб россиялик Варвара Саулинани мағлубиятга учратди. Иккинчи ва учинчи турларда эса у мезбон спортчи Лидия Томникова ва Ирина Василевичдан устун келди. Нафиса навбатдаги баҳсда грузиялик Мэри Арабидзега қарши дона суради.

Фестивалда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Роман Голубев россиялик Арнольд Солдатов, Василий Майоров, Вилдан Галямов, Игорь Улянкин ва қозоғистонлик Жандос Агмановни мағлубиятга учратиб, пешқадамлар сафидан жой олди.

Юртдошимиз Одил Собитов эса дастлабки икки партияда россиялик Ришат Ракаев ва Аркадий Пастерни енгиб, совринли ўринлардан бирини қўлга киритиш учун ўз имкониятини яхшилаб олди.

# Теннисчимиз ғалаба билан бошлади

*Франциянинг Монпелье шаҳрида бошланган теннис бўйича "Open Sud de France" халқаро турнирида мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.*

Спортчимиз мусобақанинг яккалик баҳслари дастлабки босқичида туркиялик Марсель Илҳан устидан икки сетда 6:4, 7:5 ҳисобида зафар қучди. Энди у жуфтликлар беллашувида россиялик Николай Давиденко билан бирга Александр Недовесов (Қозоғистон)/Михал Пшисенжни (Польша) дуэтига қарши кортга чиқади.

Турнирнинг ғолиб ва совриндорлари номи 9 февраль куни маълум бўлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

Республика аҳолиси диққатига!

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томорқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган ёнилғи тежайдиган, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган

«TIGUAN»



русумли мотокультиваторларни таклиф этади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

*Маҳсулот сертификатланган.*

Мурожаат учун телефонлар: (+998 94) 160-27-24, (+998 90) 176-81-45. Факс: (8-371) 234-62-45.

177А/1163




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Қўмита аъзоси М. Н. Нишоновага падари бузруквори

**НЕЪМАТ отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 455 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5